
ОЛТИАРИҚ ТУМАНИ ҚИЗИЛТЕПА ҚИШЛОҒИДАГИ ШИФОБАХШ СУВЛАРНИНГ ТАЪРИФИ ЖУДА МАШҲУР

Тадбиркор Фурқат Абдурахимов томонидан мазкур сувни қадоқлаш корхонаси ишга туширилди. Бунинг учун 2 млн. доллар инвестиция жалб этилди. Соатига 6 минг дона қадоқлаш қувватига эга корхонада 25 та иш ўрни яратилди.

“Obi hayot” бренди остидаги шиша идишлардаги минерал ва шифобахш сув айна кунларда юртимизнинг барча ҳудудларига тарқатилмоқда.

Вилоят ҳокими мазкур корхона фаолияти билан танишди, брендни бозорда ўз ўрнини топиши учун маркетингни кучайтириш, сифатга эътибор қаратиш таъкидланди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2024-09-19 21:01:23